
Ўзим ўқиган мактабга менинг китоб тухфам

Қува туман ҳокими Курбанов Равшан Хайдаралиевич ўзи таҳсил олган тумандаги 41-умумтаълим мактабига ташриф буюриб "Ўзим ўқиган мактабга менинг китоб тухфам" акцияси доирасида ўз кутубхонасидаги турли хил бадиий китобларни совға қилди. Учрашув давомида таълим муассасида таҳсил олаётган ёшлар билан учрашиб уларнинг қизиқишлари билан ўртоқлашдилар. Шунингдек бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати доирасида ёшларга берилаётган кенг имкониятлар ҳақида суҳбат қурдилар.

2019-04-04 17:38:50